


ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ 10 СЎМ



Лаганчада дунё яшар,
Лаганда тонг от-о-о-дур.

Жоним, кулгинг минг қиррали,
Минг жонимга бот-о-о-дур.

Суратчи: А. Тўраев



ЖАМҒАРМА ФАОЛИЯТИДАН

Навоий вилоят Болалар жамғармасининг ташқил топганига ҳали йил тўлган эмас. Аммо бу жамғарма вилоят ҳудудидаги етим-есир ва ногирон болалардан бир қанчасига ҳамда кам таъминланган кўп болали оилаларга ўз ҳисобидан кўмак бериб турибди.

Вилоятимиз ҳудудидида 2 та оилавий болалар уйи бор. Бири Қармана шаҳридаги бағри кенг, қалби меҳрлар уммонига қон Мунаввар опа Пардаевалар хонадони. 13 нафар ўғил-қиз дунёда энг лазиз туйғу — она бағридек иссиқ гўшанинг лаззатини шу хонадондан топган.

Иккинчиси эса Навоий шаҳридаги Ашим ака Булатовлар хонадони. Бу саҳий қалб инсонларнинг паноҳида 12 нафар бола кемтик тақдирларини унутиб, шод-хуррам яшамоқда.

Жамғармамиз ҳисобидан ҳар иккала хонадонга 10.000 сўмдан пул ўтказдик.

Хатирчи туманидаги Зарафшон давлат хўжалиги 5 бўлимида истиқомат қилувчи 12 ёшли Расулов Амриддинга жамғармамиз ногиронлар аравачасини совға қилди. Шунингдек, таъминоти кам бўлган, кўп болали оилалар соҳибаларидан Улуғхон опа Ражабова, Зулхумор опа Зокирова, Рўзибиби опа Элмуродова каби онахонларимизнинг хонадонларига ҳам имкон қадар совға саломлар улашилди.

Жамғармамиз шу синовли кунларда етим-есирларга ўз ҳимматини кўрсатиб, уларнинг бир кунларини бўлсада беармонликка, бахтга ўраган Вилоят зиёлиларининг маданий маърифий уюшмасига, Вилоят Халқ Демократик партиясига, Вилоят тайёрлов идорасига, Навоий район нон комбинатига, Вилоят алоқа тармоғи идорасига ўз миннатдорчилигини билдиради.

Нозик ҚЎЗИЕВА
Навоий Вилоят Болалар
жамғармаси раисининг
ўринбосари

УШБУ СОНДА:

РЎЗИМБОЙ ҲАСАН:

УНТА БУЛСА ЎРНИ БОШҚА

6 БЕТ

ГУЛҲАЕ ИСМОИЛОВА:

АМЕРИКАГА КЕТИШ НИЯТИМ ЙУҚ.

8 БЕТ

КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

УЛУҒБЕК АБДУЛВАҲОБ:

**АМИР ТЕМУРНИНГ
ИЛОҲИЙ ҚУДРАТИ**

ЖУМАНАЗАР БЕКНАЗАР:

ФАРЗАНДИНГИЗ ЎФИЛМИ, ҚИЗМИ?

«АЛИФБЕ»НИНГ МУАЛЛИФИ

Яқинда билиб қолдим, биринчи «Алифбе» китобининг муаллифи Оқилхон Шарофиддинов экан. Оқилхон Шарофиддинов 1898 йилда Тошкент шаҳар Себзор даҳаси ҳудудидеги Қозилга маҳалласида туғилди. 1918 йилдан ўқитувчилик қила бошлаган. Ўқувчилар учун курси, қўлбола столлар ясаб, доска ўрнида қора патнус, бўр ўрнида кесакдан фойдаланиб иш бошлайди. Қундузи болаларни, кечаси катталарни ўқитади. Дарслик йўқлиги тўғрисида «Алифбе» ва ўқиш китобларини тайёрлаб, шу асосда таълим беради. Ниҳоят Оқилхон ота тайёрлаган «Алифбе» 1938 йилда тасдиқдан ўтади ва шундан буюн 30 мартаба нашр этилади. Собиқ маориф вазири Анвар Кўчқоровнинг хотирлашича, Оқилхон ота ҳар йили 1-синфда дарс беради. Сабоқни ўқувчиларни атроф-муҳит билан таништиришдан бошларди. Бунга 1-2 ҳафта вақт кетарди. «Эсимда бир гал 1 сентябр кун Оқилхон ака-

нинг биринчи дарсига кириб ўтирдик,— деб эслайди Анвар Кўчқоров.— Домла 15 минут болаларга ўқитувчи билан қандай саломлашиши, қандай ўтириш-туришни яхшилаб тушунирилари билан сўнг уларни ташқарига бошлашлар. Хайрон бўлиб биз ҳам у кишининг ортидан ташқари чиқдик. Домла аввал болаларга ҳолатхонага қандай қилиб кириб-чиқиш кераклигини бирма-бир кўрсатиб чиқдилар. Кейин мактаб атрофидаги дов-дарахтларни таништириб, табиат ҳақида сўзлаб бердилар. Айтдиларича, Оқилхон домла болаларнинг тилини жуда яхши билган. Фарзанди у кишининг қўлига тушган ота-оналар ўзларини доимо бахтли инсон деб ҳисоблаганлар. Муаллимлари Оқилхон Шарофиддинов сингари фидоий инсонлар бўлган халқ, менгича, улўғ халқ бўлади.

3. ЗАЙНИДДИНОВ



ГУЛЛАР ОРТИДАГИ ХАЁЛ

Суратчи: Абдул Ғани ЖУМА

УМР СУХАНДОНИ

М. Қориеқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси «Шодлик» ашӯла ва рақс дастасининг концерт бошқарувчиси, бадий сўз артисти Уткир Сиддиқов номини баъзан афишаларда, ўзини эса Халқлар Дўстлиги саройида катта-катта концерт томошалари вақтида учратардим. Қўнгли очик, ораста кийинган, кўринишидан маданиятли, ҳар бир сўзини аниқ ва ёқимли қилиб талаффуз этади.

— Уткир ака, касбингизни қайси ном билан атасак маъқул бўлади!
— Бадий сўз артисти. Яъни юбилей кечалари, байрам саналари ва концерт

дастурларини олиб боришда хизмат қиламиз. Шу сабабли касбимиз кўпинча концерт бошқарувчиси, бадий сўз артисти ҳам деб номланади.
— Касбингизнинг энг но- зик томонлари нимада?
— Концертнинг қандай ўтиши кўп ҳолларда олиб борувида боғлиқ. Сухандон ҳар бир томошанинг мавзусига қараб тайёргарлик қилиши шарт. Саҳнада аввало адашмаслик керак. Шунинг учун ўқиладиган текстни қайта-қайта хаёдан ўтказиш, фикрди бир жойга тўплаб таррадду кўришга тўғри келади.
— Баъзан концертларда мухлисларнинг маданиятсизлиги, бақириб-чақирिशгани-

ни эшитиб, кўриб ранжиб кетасиз. Бундай пайларда сизларга ҳам қийин бўлса керак!
— Ҳақиқатан ҳам айрим томошабинлар фалон ашулачи саҳнага тезроқ чиқсин, ...ўшандан бўлсин, деб бақиряшади. Ваҳолонки одамлар концертга дам олиш учун келишади. Бақиряшлардан сўнг кайфиятимиз бузилади, саҳнада қўшиқ айтаётган санъаткорлар ноқулай аҳволга тушади. Баъзида санъаткорларнинг саҳнага чиқишга юраги безиллаб қолади.
— Сизни тўйларга ҳам таклиф қилиб туришса керак!
— Дўстларим, қариндошларим тўйга бутун оиламиз билан таклиф қилишади. Бо-

ЕТТИ КУН

ҲАДЯ

«Қумкўрғон» ҳиссасдорлик жамияти ўзининг ўтган йилги фойдаси ҳисобидан Бойсундаги болалар уйига юз минг сўмлик гурӯч, чой, қанд-шакар, макарон ҳамда пойабзал ва мактаб кийим-кечаклари ҳадя қилди.

ТЕМУР ЗАВҚЛАНГАН ФАВВОРА

Амир Темур Занжирсаройда туғилганини исботлаган Муборак ҳоқими Жумакул Қурбон Занжирсарой тепалигини кавлаштириб, Темур завқланган фавворани топди. Уни қазиб олиш учун эса аллақанча маблағ керак. Ҳоқим «Занжирсарой» жамияти тузилишига бош-қош бўлди ва унга ўзининг бир ойлик маоши (17 минг рубл)ни ўтказди. Тарихимизни тупроғдан ажратиб олишчилар учун жамият ҳисоб нўмирини келтирармиз: АПБ Муборак 700501.

«ҲОЖИ» ҲОКИМИЯТ

Етим бошини силашни ҳаж сафари билан тенглайдилар. Шовот тумани ҳоқимлиги шундай савобга мушарраф бўлди— «ота-оналари вафот этган, чордвор иморатда яшаётган тўрт нафар етимга янги уй қуриб берди.

БИР РЎЗҒОР ФОЖИАСИ

Узун туманида яшовчи уй бекаси фарзандлари—уч ўғил ва бир қизини уйга қўйиб, дўконга йўл олди. Бола-бола-да, тўртовлон ёлғиз қолган, гугурт билан ўйнашадилар. Кўрпачага ўт кетади, пахта тутаб болаларнинг нафаси бўғилади... Она уйга қайтганда тўрт норасида ҳалок бўлганди.

ҲУКМ ҚАТЪИЙ ШИКОЯТГА УРИН ЙЎҚ

Жаҳон иқтисоди ва дипломатия дорилфунуни ректори фармойишига кўра дорилфунун ҳудуди ичкилик ичилмайдиган ва сигарета чекилмайдиган ҳудуд деб эълон қилинди. Ушбу қарорга риоя қилмаган талаба ва ходимларга ўқиш ёки ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилишгача бўлган қатъий чоралар кўриш назарда тутилган.

ТЕРГОВЧИНИНГ СОВҒАСИ

Олтириқ туманидаги 1-ўрта мактаб ўқувчиси А. Ҳамроқулов ўқишга кетаётиб, йўлдан қозоғга ўроғлиқ бир даста пул топиб олди. Пул туман прокуратураси ходими Б. Сотиволдиевнинг маоши экан. У киши пулни қайтариб берган болакайга футбол тўпи совға қилди, дея хабар беради «Давр овози» газети.

КЎПАЯПМИЗ

Қадим Хивада 1991 йили 1825 та оила рўйхатдан ўтишган, яъни турмуш, қуриб, мустақил ҳаёт бошлаганлар. Юқоридаги рақамларни бир йил учун одатий ҳол деб ўйлаш мумкин. Йўқ, ундай эмас экан—1992 йилда ҳудди шу ҳудудда 7480 та ёш оила рўйхатга олинбиди.

БОСИБ-БОСИБ ЧОЙ ИЧИНГ

Гулистонлик жаноб нозик меҳмонлар олдиға гуржи конягини қўйиб, уятға қолди. Коняк сотган тижоратчилар шимшага чой солиб қўйишган экан.

НУРОТАДА СИМ ҚОҚСАНГИЗ

Ҳатто жуда муҳим иш, ташвиш юзасидан шошилич алоқа зарур бўлиб қолганда ҳам таниш қолиб, камда тўрт нотаниш билан «мириқиб» гаплашасиз.
Бир эшитган таниш, икки эшитган билиш ёки дўстинг мингта бўлса ҳам кам, душман битта бўлса ҳам кўп, дегандек осонгина бундай таниш, дўст орттириш «мазан». Қизиги, шаҳар алоқа бўлими бошлиғи Аҳмад акаға сим қоқсангиз, қандайдир Раҳмат ака билан гаплашасиз ва у бошлаб қайтариб сим қоқади.

рамиз. Барибир санъатимизни намойиш этишга мажбур- миз.

— Сизнинг дид билан кийинишингизни кўриб Уткир Сиддиқовнинг рафиқаси ораста аёл бўлса керак деб ўйлаймиз!

— Ҳа, аёлим дидди, саранжом-сарийшта, камтар, оқила аёл. Шундай аёл билан турмуш қурганимдан ўзим ҳам шукр қиламан. Қизимиз, икки нафар ўғлимиз бор. Қизим турмушга чиққан неварамиз бор. Катта ўғлимиз олийоҳди, кичимиз эса мактабни тугаллаш арафасида.

— Ҳали невараликман денг. Сизни саҳнада кўрган киши жуда ёш деб ўйлайди!
— Бу гапни кўп жойларда, учрашув-гастролларда ҳам эшитаман. Касбимиз сабаб-

ми, саҳнага чиқиб хушмуола ва сербасасум бўлишга ҳаракат қиламиз. Эҳтимол, шу боис ёш кўринсам керак.

— Халқлар Дўстлиги саройидаги концертларга аксарият ҳолларда сизни таклиф қилишар экан!.

— Бунинг боиси, нокам- тарликка йўмангану, қўшиқчиларга овозим ва олиб бориш санъатим ёққанлигидан бўлса керак. Чунки, ҳар бир қўшиқчи концертнинг чиройли ва қизиқарли ўтишини хоҳлайди.

— Аини кунларда нималар билан бандсиз!

— Езувчи Улмас Умарбеков сценарийси асосидаги «Тўй-томошга марҳамат» мусиқавий концерт дастурига тайёргарлик кўраямиз.

Сухбатдош: Улжабой ҚАРШИ

ОДОБЛИ
БОЛА

Одобли боланинг ота-онаси фақир ва камбағал бўлса, бу ҳеч бир айб эмас. Чунки ҳар бир нарса Аллоҳ Таолонинг хоҳиши ва ирода-си бирла бўлур. Фақирликни айб этмас Аллоҳ Таолони иродасига норози бўлмоқдир. Аммо оиланинг одобсиз бўлмоғи ниҳоятсиз улуг айбдур. Одобсиз боланинг ота-онаси ҳар қандай бой ва ё мартабали ва ё олим бўлса ҳам одамлар назари эътиборида бўлмас. Ота-онага ул тариха боладан беобрўли ҳосил бўлур.

Одобли боланинг ота-онаси на-

қадар фақир ва камбағал бўлса ҳам боласи тўфайли қадрлик ва ҳурматлик бўлур. Одобли бола бирор ишни билмасдан қилиб қўйса, кишилар унга қарашни бирла иши носавоб эканлигини фаҳмлаб хижолат чекиб қизарар. Агар шу ҳолда бир киши унга насиҳат қилса насиҳат қилган кишига узрай-турки, — билмасдан қилиб қўйибман иккинчи мартаба бул тариха хато ишни қилмайман — дея узрайтар.

«Насиҳатномадан

ДАРАХТЛАРИНГИЗГА «БЕЛБОҒ» БОҒЛАГАНМИДИНГИЗ!

Кузнинг тугашига яқин қолган эди. Кунларнинг бирида ишдан келсам, ҳовлимиздаги дарахтларнинг пастки қисмига эски латта ва увада бўлаклари, баъзиларида эса куруқ хашакдан «белбоғ» боғлаб қўйилбди. Аввалига ҳайрон бўлдим. Турли хаёлларга бордим. Чунки бу каби манзарани болалигимда мазорларда, баъзи қабрлар устида кўрган эдим. Ушанда «Бу жойларга қадам босган кишининг юзига, баданига турли хил чақалар тошиб кетиб, уларни даволаб бўлмайди», деб тушунтиришган бизга катталар.

Ана энди тасаввур қилишингиз мумкин менинг ҳолатимни!

Нафасни ростлаб, ўғлим билан суҳбатни бошладим:

«Қани айтчи, дарахтларга ким латта боғлади? Буни нима деб тушуниш керак?»

«Ўғлим эса кўзлари чақнаб, хурсанд бўлганидан гап бошлади: «Ҳозир кеч куз пайти. Барча ҳашоратлар ерга тушадди. Агар дарахтларнинг пастки латта-путта боғланса, эрта баҳорда ҳашоратлар уларнинг ичига кириб тухум қўяди. Уларни эрта баҳордан бошлаб бир неча марта йиғиб, ёқиб юборилади. Шунда ҳашоратлар қўйган тухумлари билан бирга ёниб кетадилар. Агар шундай қилинмаса, кунлар исиган сари улар ўзидан кўпайиб, яна дарахт ва ўсимликларга тирмашиб, тарқалиб кетади, яна кўпроқ зарар келтиради».

«Буларни сен қаердан биласан!»

«Булар ҳақда бизнинг «Ботаника» ўқитувчимиз айтдилар», — деб жавоб берди ўғлим.

Бу жойиб фикр мени ҳайрон қолдирди. Қаранг, неча йиллар давомида еримизга, дарахтларимизга захарли до-рилари сепишимиз натижа-сида атрофни ҳам, ўзимизни ҳам захарга «тўйдирган» эканмиз. Юқоридаги суҳбатдан кейин ўйласам, меваларимизни табиий ҳолда ейиш ўз қўлимизда эканини англадим...

Мабодо сиз ҳам дарахтларингизга «белбоғ» боғла-ган бўлсангиз, уларни тез-тез йиғиб, ёқиб туринг! Яна мевалардан бенасиб қол-манг!

Мирзаҳаким НЕЪМАТ

Дарёлар жилгалардан, ирмоқлардан бошланади. Қўзи очилган чашманинг, равон йўлга солинган жилганинг истиқболи ҳам, борар манзили ҳам аён бўлиб қолади. Бу фикрни ёш истеъодлар — бугунги кун мактаб тоғлиллари, мактабга эндигина қадам қўйган жажжи болакайлар қисмида ҳам кўриши мумкин. Мен шу ўқув йилининг бошида С. Раҳимов туманидаги М. Сўфизода номили 165-ўрта мактаб маъмуриятининг илтимосига биноан 5-ва 9-синфларида адабиёт ва журналистика ихтисослиги бўйича қўшимча

машғулотлар олиб бордим. Ўқувчилар орасида шеър машқ қилишга, сўз санъатининг сирларини англаб етишга интилувчилар сони анча кўпайди. Айни пайтда уларнинг баъзилари билан адабиёт ва ижод ҳусусида бемалола баҳс-мунозара юритиш мумкин. Қўйда эътиборингизга ҳавола этилаётган намуналар ана шулар сарасидандир.

Ирисали ТОШАЛИЕВ,
филология фанлари номзоди

ХҲРОЗ БҮЛМАНГ...

Ҳовли ўртасида бир тўда товуқлар дон еб юришибди. Улар орасида турли олтин тоғли, қизил этик кийган, уришқоқ, патлари атласга бурканган бабоқ хўроз гердаиб атрофга назар ташлади. Кейин товуқларнинг орасидан менсимайгина ўтиб, бир чеккада дон чўқибган нимжонгина жўжани чўқиб ҳайдади ва донни ўзи ея бошлади.

Жўжа ноилож нари кетди. Ҳа, бечора товуқлар хўроздан кўрқийди. Шу пайт денг, тўдага каттагина бароқ мушук писибгина яқинлаша бошлади. Буни кўрган хўроз товуқларни ҳимоя қилиш ўрнига инига секингина кириб кетди.

Хўрознинг бу кўрқоқлигини кўриб, ҳаётда ҳам баъзи инсонлар ўзидан кучсизларга менсимай муомала қилиши, ўзидан кучлилардан эса писиб қочишини кўз олдимга келтирдим. Бабоқ хўроз майлику, аммо сен хўроз бўлма, деб қўйдим ўзимга ўзим.

Зафар ФАЙЗИЕВ,
165-ўрта мактабнинг
9-Б синф ўқувчиси

ЧИЛДИРМА ҚУШИҒИ

(Анвар Обиджонга ўхшатма)

Мени дерлар чилдирма,
Бак-бака бум-бак,
Билмаганга чилдирма,
Бак-бака бум-бак.
Гардишимда мис ҳалқа,
Бак-бака бум-бак.
Ҳизмат қиламан ҳалққа,
Бак-бака бум-бак.
Осмондаги ойдайман,
Бак-бака бум-бак.
Гижинглаган тойдайман,
Бак-бака бум-бак.
Гам-гуссадан қочаман,
Бак-бака бум-бак.
Шод-хуррамлик сочаман,
Бак-бака бум-бак.
Карнай-сурнай — уфатим,
Бак-бака бум-бак.
Қўйламаслик — кулфатим,
Бак-бака бум-бак.
Мени дерлар чилдирма,
Бак-бака бум-бак.
Тўйдан мени қолдирма,
Бак-бака бум-бак.
Билмаганга чилдир,
Бак-бака бум-бак.

Ш. НЕЪМАТОВ,
165-мактабнинг
9-Б синф ўқувчиси

«АҚЛИЙ БЕЛЛАШУВ»НИНГ ЖАВОБЛАРИ

Газетимизнинг шу йилги 12 сониди Обиджон Очилов тузган «Ақлий беллашув»га сизлардан 200 га яқин мактуб келди. Жавобларнинг деярли ҳаммаси зукколик ва билимдонлик билан ёзилган. Баъзи кичик ёшдаги болалар жавоб топшида ота-онаси, ака-опалари ҳам ёрдамлашганини ёзибди.

Барча мактуб эгаларини номма-ном санаб чиқишнинг имкони йўқ. Шунинг учун энг кўп сўз ясай олган тенгдошларингизнинг номларини эълон қиляпмиз.

Дарвоқе, сиз ҳам Обиджондек қизиқ-қизиқ топши-моқлар, бошқотирмалар юбо-ришини унутманг.

Топқирларнинг исми-шарифи	манзили	Биринчи топширик бўйича сўзларнинг сони	Иккинчи топширик бўйича сўзларнинг сони
------------------------------	---------	---	---

1. Дилмурод Алимов	Тошкент	105	13
2. Баҳромбек, Илҳомбек Султоновлар	Гулистон	104	14
3. Раъно Хусайнова	Тошкент	158	—
4. Даврон Бегимқулов	Тошкент	150	—
5. Гулора Матўрозова	Хоразм	112	—
6. Аслиддин, Муроджон Хафизовлар	Самарқанд	165	13
7. Марҳабо Ҳолова	Бухоро	107	—
8. Рустам Бадалбоев	Тошкент	119	—
9. Дилшод Фармонов	Қашқадарё	125	13
10. Давронбек Уразимбетов	Тошкент	140	—
11. Дилфуза Шарипова	Тошкент	147	13
12. Оля Бозорова	Фузор	120	13
13. Лазизжон Нутфуллаев	Бухоро	140	13
14. Ойбек, Гуллола Элчиевлар	Фарғона	143	14
15. Гули Хўжабекова	Тошкент	118	13
16. Отабек Шодмонов	Самарқанд	116	13
17. Комил Эгамбердиев	Нишон	155	14
18. Заҳро Авазматова	Тошкент	127	14
19. Азизжон Хўжахонов	Тошкент	126	13
20. Икром Мубоширов	Чуст	193	13
21. Шаҳриддин Муҳамедов	Ғиждувон	150	14
22. Мақсуда Раҳмонова	Булоқбоши	135	13
23. Азизбек Жуманов	Тошкент	135	—
24. Нарғиза, Нилуфар Абраевалар	Чироқчи	185	13
25. Умида Курбонова	Тошкент	165	—
26. Замира Отамуродова	Пастдарғом	118	13
27. Нойба Максимова	Тошкент	115	13
28. Фазлиддин Очилдиев	Хўжанд	120	13

Наманган вилояти Чуст туманидаги Ғафур Ғулум номили мактабнинг 11 синф ўқувчиси Икром Мубоширов 193 та сўз ясабди. У беллашувнинг ғолиби деб топилди. Икромжон «беллашув» мукофотининг соҳиби бўлди. Мукофот билан табриқлаймиз, кутинг, Обиджон мукофотни йўлламоқда.



— «ҲЕЧ КИМГА АЙТМА»

Суратчи: У. ҚҲШВОҚОВ

ҒОЛИБА ҚОРИЯ

Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси ташкил этган қори ва қориялар мусобақасининг қориларга бағишланган қисми якунидан сизни оғоҳ этгандик. Сиз суратда кўриб турган 12 ёшли муслима — Зулайхо Обидова 15 ёшгача бўлган кичик қориялар мусобақасининг ғолиби бўлди. Ғолиблик унга бепул ҳажга боришга, идора ҳисобидан 10 минг сўм, хориж мусулмонларидан 10 минг сўм, Япон соати, Қуръон ва турли диний китоблар мукофоти насиб этди.



Суратчи: А. ТУРАЕВ

«ҲАЙИТ КУНЛАРИ ДАМ ОЛАМИЗ»

ҲОШИМЖОН АЗИМ ЕРКЕНТЛИК УЗБЕКЛАРДАН. ТИЖОРАТЧИ. АНДИЖОНДА ҚАРИНДОШЛАРИ БОР.

Ҳошимжон ака билан поездда танишиб қолдик. Еши қирқлар атрофида, тили бир оз уйғурчага тортиб кетадиган бу одам Андижондаги қариндошлариникига меҳмон бўлиб келган экан. Сухбатлашиб кетдик. Мени кўпроқ Хитойдаги ўзбекларнинг турмуши қизиқтириб қолди.

— Ҳошимжон ака, Хитойдаги мусулмонларга муносабат қандай!

— Биласизми, бизда ҳар ким ўз динига ибодат, ўзи хоҳлаган маъҳабига иқтисод этакеради. Ҳатто кўчаларимизда пештоқига «мусулмонча қонун-қондалар асосида тайёрланган» деган ёзувлар осилган маҳсус таомхоналар бор.

— Ҳайит кунлари дам оласизми!

— Бўлмасам-чи, албатта дам оламиз, лекин бошқа диндагилар ишлашади. Уларнинг байрамлари кунни бизлар ишлаймиз, улар дам олишади.

— Ҳошимжон ака, сизлар

да қариялар уйи, болалар уйи деган жойлар борми!

— Бизда ҳеч ким ота-онасини ё фарзандини ундай жойларга ташлаб кетмайди. Акс ҳолда қонун олдида жавобгар бўлади. Мабодо ота-онаси иложсизликдан боласини маҳкам ташлаб кетадиган бўлса, у ўша захотиёқ фарзандга муҳтож оилаларга берилади.

— Сизларда нечтагача фарзанд кўриш мумкин!

— Биз ўзбекларга, муҳожир бўлганимиз учун, 3 тагача, уйғурларга 2 тагача, хитойликларга 1 фарзандга рухсат берилган.

— Агар ошиб кетса-чи!

— Унда жарима тўланади.

— Масалан, қанча!

— Йўқ, у аниқ белгиланмаган. Жарима эгаллаб турган ишига, маошига қараб белгиланади.

— Яна бир савол: масалан, сизнинг иккита фарзандингиз бор. Агар навбатдагиси эгизак бўлиб қолса ундаям жарима тўланадими!

— Йўқ-ей. Ахир бу худонинг қудрати билан бўлади-ган ҳодиса. Бунинг учун жа-

рима тўланмайди.

— Ҳошимжон ака боя [мен у гапини ёзмадим — М. М.] бир-икки ўрчисча сўзларни ҳам [вобши, обед] кўшиб талаффуз қилдингиз. Нима у ёқда ҳам шундай гаплашадими!

— Йўқ-ей, бир оғзимдан чиқиб кетди-да.

— Сафарингиз бехатар бўлсин, ака. Бир илтимосим бор: Фурқат домланинг қабр бошига қориб, ватандошлари номидан бир шингил райхон қўйиб, типоват қилиб қўйсангиз.

— Ташвишланманг. У ердаги ўзбеклар ҳеч қачон Фурқат домлани «ёлғизлаб» қўйишмайди.

У зотни худо раҳмат қилсин. Омин!

— Сухбатингиз учун раҳмат. Эсон-омон этиб боринг.

Сухбатдош
Минҳожиддин МИРЗО

ИСЛОМ ЖАҲОН МУТАФАККИРЛАРИ НАЗДИДА

«Биз Оврупо миллатлари маданий имконимиз юқори бўлишига қарамай Ҳазрат Муҳаммад сўнги поғонасига қадар чиқа олган зинанинг биринчи босқичидамиз, холос. Ҳеч шубҳа йўқки, бирон кимса бу мусобақада ундан юқорироққа ўта олмайди. Ва бу китоб ҳам (яъни Қуръон) бениҳоя ҳаётини бўлганлигидан абадий таъсирини йўқотмайди ва бошқа миллатларни атрофига тўплайверади».

И. В. ГЕТЕ

«Исломи ташвиқоти турклар орасида шунинг учун ҳам катта муваффақият қозондики, Исломиятни бошқа оламшумул динлардан афзал кўрсатувчи инонтирарли далиллари ва маҳобати кўзга яққол ташлашиб туради. Исломи динини қабул қилганларнинг нуфузи Буддизм ва Христианлик даражасига етолмаган бўлса ҳам ҳақиқий маънода ягона жаҳоншумул дин эканлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Буни айтишдан мақсадим, Исломи динининг фақат бир маданиятга оид миллатлар орасида эмас, ҳар қандай маданиятга оид миллатлар орасида ҳам тарқалиши қобилиятига эгалигини айтишдан иборатдир».

Акад. БАРТОЛЬД

«Христиан миллатларига ачинаман: булар диний юмшоқликни мусулмонлардан ўрганмоққа муҳтождирлар. Қуръон эътиқод йўли билан тарқатилган ва сурғат билан ёйилган».

МИКОУД

«Қуръон шеърдан юксакроқ бир нарсасидир, аини чоғда у на таърифдир ва на таржимаи ҳолдир. На-да Исо-

нинг ҳаяжонли ваъз ва насиҳатлари каби шеърлар мажмуасидир... Бу бир Пайғамбар маълум қилган овоздир. Шундай бир овозки уни бутун дунё эшитиши мумкин. Бу овознинг акс садоси саройларда, чўлларда, шаҳарларда, давлатларда янграйди. Бу овоз орқали келган дин, аввало ўзини тарқатувчи ноширларни топган, сўнг тараққиётни сеувчи, ободонлик келтирувчи куч тарзида тажалли этгандир. Шу туфайли Юнонистон билан Осиёнинг бириккан зиёлари, Оврупонинг зулмотини, қоронғуликларини ёргандир. Ва бу ҳодиса христианлик энг қоронғу даврларда яшаётган бир вақтда воқеъ бўлгандир!»

Доктор ЖОНСОН

«Мусулмонларнинг таҳсили ва тарбияси ошиб борган сари, фикрлари ҳам шу нисбатда Қуръонга таянаверади».

Доктор МОРРИС

«Қуръон зўрлаб эмас, эътиқод йўли билан, ишонтириш йўли билан, ақл ва қалбларни фатҳ этиш орқали ёйилгандир. Агар ишонтириш бўлмасайди, кейинчалик арабларни энгиб чиққан мўғуллар ҳам, турклар ҳам мусулмонликни қабул қилмасликлари лозим эди. Араблар Туркистонни бир мартагина босиб ўтдилар, аммо буғун Туркистонда юз миллиондан ортиқ мусулмон бор ва буларнинг миқдори кун сайин ортиб бормоқда».

Густав ЛЕ БОН

(«Yeni Ümit» журнали, 1990 й. № 9)
Туркчадан Мирозиз АЪЗАМ таржимаси

АҲМАД ЯССАВИЙ

ҲИКМАТ

Биздин салом дўстларга, талаб йўлини қўймасун,
Дийдор талаб қилсалар ҳаргиз гофил бўлмасун.

Гофил тобмас Ҳақ йўлини, онда тобмаслар ўрун,
Ичи-тоши куйубон шаҳарларда ётмасун.

Еди бирлан бўлсалар, дийдор орзу қилсалар,
Ҳарчанд хорлиқ кўрсалар кўнгли ўзга бўлмасун.

Ошиқларга дунёда хорлиқ-зорлиқ, маломат,
Маломатсиз, меҳнатсиз ошиқмен деб атаймасун.

Шариатда тажрийдур дунёсини тарк этмоқ,
Тарк этмайин тан-жонин тажрийд бўлдум демасун

Тариқатда тан-жонин тарк этмоқ мушкулдур,
Тарк этмайин тан-жонин севиндурман демасун.

Ҳақиқатда ҳаромдур бир Худодин ўзгаси,
Ондог бўлмай ошиқлар дийдор орзу қилмасун.

Ондог расул Мустафо дунё молин суймади,
Умнат бўлсанг Расулга дунё молин суймасун.

Мискин Аҳмад Яссавий салом айтди дўстларга,
Ушбу сўзнинг маъносини толиб бўлса онгласун.

**КИЙИМ КИЙГАНДА
УҚИЛАДИГАН ДУО**

Алхамду лиллаҳил-лазий касоний ҳаза (ассавба) ва розаконийҳи мин ғайри ҳадин минний ва ла қувватин.

Маъноси: Бу кийимни менга насиб қилган ва мендан ҳеч бир ҳаракат ва ғайратсиз уни менга берган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин.

**ТАЪЗИЯГА
БОРГАНДА
УҚИЛАДИГАН ДУО**

Инна лиллаҳи ма аҳаза ва лаҳу ма уртия ва кўллу шайини индаҳу бижаалини мусамма... Фалтасбир валтаҳтасиб.

Маъноси: Нимаики бу дунёдан кетса ёки нимаики бу дунёга келса, барчаси Аллоҳники. Ҳар бир нарсанинг мuddатини Аллоҳнинг ўзи тайин қилгандир. Бас, сабр қилинг ва Аллоҳдан савоб умид қилинг.

«ЮЗ БИР ДУО»ДАН ОЛИНДИ

Оила

34 ЕШДА

Гулистонлик, касби-ҳисобчи, узун бўйли, оқ юзли, ўртача вазили рўзгор ишларига тўла ўқувли хоним [12 ёшли ўгли билан] иложи бўлса Тошкентлик, ёши 35—40 лар орасидаги хушқомат, маълумотли, болажон жаноб билан ҳаётини бир умр бирга ўтказмоқчи. [Турмуш ўртоғи ичкиликка берилиб кетгани учун ажрашган]. Икки хонали шахсий уйи бор. «Оила—177»

36 ЕШДА

Қўқонда яшайман. Ҳовлим бор. Елғиз ўзим тураман. Аввал уйланганман. Уртамизга совуқлик тушиб, бундан тўрт йил аввал ажрашганмиз. Жамоа хўжалигида ишлайман. Хонадонимга келиб бека, худо насиб этса бўлгуси фарзандларимизга меҳрибон она бўла оладиган муслима билан умримни боғламоқчиман. «Оила—178».

**ОБУНА ЯНГИЧА
ТАРТИБДА БЎЛАДИ!**

Азиз муштарийлар! Аввал хабар берганимиздек, «Оила ва жамият»га йилнинг иккинчи ярмига қайта обуна бошланди. Обуна баҳоси янги тартибда аниқланмоқда. Яъни обуна каталогига киритиладиган обуна баҳоси газетни вилоятлар марказига етказиб беришгача бўлган харажатлардан келиб чиқиб белгиланди. Маҳаллий алоқа бошқармалари эса унга ўз харажатлари баҳосини қўшишади. Шу боисдан каталогдаги обуна баҳоси билан маҳаллий алоқа бўлимидагилар сизга айтган (кўрсатган) обуна баҳоси ўртасидаги тафовутни кўриб ҳайрон бўлманг.

1993 йилнинг иккинчи ярми учун «Оила ва жамият»нинг обуна каталогидagi баҳоси қуйидагича:

1 ойга—44 сўм 10 тийин.

3 ойга—132 сўм 30 тийин.

6 ойга—264 сўм 60 тийин.

Эслатиб ўтамиз: 1993 йил учун тўлиқ обуна бўлганлар хонадонига «Оила ва жамият» 1 июнгача боради. Феврал, март, апрел ойларидан бошлаб обуна бўлганлар эса газетни тегишли равишда биринчи... июл, август, сентябргача олишади. Май ойидан эса янги баҳода обуна бошланди. Азиз мухлислар! Севибли газетингизга обуна бўлишини унутманг!



АФРОСИЁБ БАЛАНДЛИГИДАН ЭСТАЛИК

Суратчи: С. МАҲКАМОВ

Дераза

ХУДО АСРАДИ

Московлик Шишқовлар хонадони бошига кутилмаганда оғир кулфат тушди—сахар пайти телевизорларидан ўт чиқиб, уйлари ёниб кетди. Антоннинг ота-оналари ўт ичида қолиб ҳалок бўлди, болаларни ҳам шу тақдир кутаётганди. Бироқ Антон ўзини йўқотиб қўймади. У тўққиз ёшли эгизак сингилларини, уч ва етти ёшли укаларини қўшни хонадон балкониغا олиб чиқди. Ўт учирувчилар Антоннинг жасоратидан ҳайратда қолишди. [«С-я»]

АРАЗЛАСА АРЗИЙДИ

Аргентина президенти Карлос Менемнинг маошидан суднинг қарорига кўра ҳар ойда 8,5 минг доллар ушлаб қолиниб, ҳозир алоҳида яшаётган аёли—Сулемага моддий ёрдам сифатида бериладиган бўлди. Бошқача айтганда давлат бошқони аёлига еб-ичиши, яшаш жойи ва бошқа харажатлари учун даромадининг 50 фоизини алимент сифатида бериши керак. Маликанинг аразлаганига эса бир ярим йилдан ошди.

Федерал суднинг ҳукми бўйича президент аёлига ўтган давр учун 130 минг доллар қарзини ҳам тўлаши лозим. [«Труд»]

АҚЛ БОВАР ҚИЛМАЙДИ

Питтисбург касалхонасида даволанаётган 4 яшар Чарли Форстар тўла тузалиб чиқди. Ҳайратланарлиси шундаки, жарроҳлар қизчанинг бирданига тўртта аъзосини: жигари, ошқозони, ингичка ва йўғон ичагини, ўтини алмаштиришди. Олти ой олдин, 2 ноябрда Питтисбург университети медицина марказида ўтказилган ушбу мураккаб операция 16 соат давом этган.

Врачларнинг айтишича, қизча ҳозир ўзини яхши ҳис қилаяпти.

ИТЛАРГА ҲУРМАТ КЎРСАТИШМОҚЧИ

«Заполярьяна правда» газетининг хабар беришига қараганда, шаҳар итсеварлар клуби хўжайинлари таътилга чиқиб кетган итлар учун махсус меҳмонхона очилиши режалаштирмоқдалар. Махсус меҳмонхонада тўрт оёқли жониворларга яхшигина иззат-икром кўрсатилади, яъни овқатлантиришади, «соч»лари ўсиб кетган итларнинг эса сартарош амаки «соч»ини тартибга келтиради, шунингдек, меҳмонхонада ҳордиқ чиқараётган итларни сайр ҳам қилдириб туришади.

Меҳмонхона кирқ ўринга мўлжалланган. Аммо ҳозир Норильскда уч мингтага яқин ит бор. Энди «хайрли» иш ривожини топса, насиб этса, қолган итлар ҳам меҳмонхоналик бўлиб қолишар. Дарвоқе, асосий нарсани унутимиз: меҳмонхонада итнинг бир ой меҳмон бўлиши эгасига нақ эллик минг сўмга тушади. [«Азия»]

Табриклаймиз!

Азиз укамиз **ДОНИЕРБЕК!** Тугилган кунинг муборак! Сенга соғлиқ ва омонлик тилаймиз. Ҳар ишда Оллоҳ мададкор бўлсин. Илло, Ҳақ қўллаган киши мингга киргусидир. **ЗУФАР, ФОТИМА, БОТИР.**

Азиз синглим **ШАҲОДАТ!** Сени 20-апрел — тугилган кунинг билан табриклаймиз. Уқши ва ишларингда улкан зафарлар тилаймиз. **ТАНГРИБЕРДИЕВ**лар оиласи. Жиззах. Зарбдор тумани.



Ҳурматли ва меҳрибон **МУҲАББАТ** ая **АБЗАЛОВА!**

Таваллуд айёмингиз билан табриклаймиз. Элиниг соғли-

ги йўлида янада ҳормай-толмай меҳнат қилишингизда Оллоҳ Сизга куч-қувват берсин. Ҳамиша соғ-омон бўлинг, деб ширинтой невараларингиз, фарзандларингиз ва жигарларингиз.



Қадрли ва меҳрибон падари бузрукворимиз **ТУРСУНБОЙ УМУРЗОҚ УҒЛИ!** Сизни қутлуг 65 баҳорингиз билан чин юракдан муборакбод этамиз. Сизга боқий умр, танисҳатлик, ичингизга муваффақият тилаймиз. Бахти-

мизга омон бўлинг деб оила аъзоларингиз номидан қизингиз **ЗУЛФИЯ.**

Дўстим **ҚУВОНДИК!** 22-апрел таваллуд кунинг қутлуг бўлсин. Сенга узоқ умр ва бахт тилаб.

ҚАЙТАР АЛЛАШЕВ.

Синглимиз **ШОИРА ПАРДАЕВА!** 10-апрел тугилган кунинг билан табриклаймиз. Баҳор кайфияти дилингни ҳеч қачон тарқ этмасин. Акаларинг **ШЕРАЛИ** ва **АБДУРАҲМОН**

Қашқадарё вилояти марказий болалар касалхонасининг бош врач, тиббиёт фанлари номзоди, ҳажвэ устаси **ҚИЛИЧ** ака **НУРМУҲАММЕДОВ**ни 19-апрел-туғилган кунлари билан табриклайман. У кишига соғлиқ тилайман. Умрлари узун бўл-

син, деб **РУСТАМ ШОДИ** ўғли.



Қадрли **ЭШБАДАЛ** ака!

Умрингизнинг ўттиз учинчи йилга қадам бошига шайланб турган ушбу кунларингизда Сизни бу қутлуг айём билан чин дилдан муборакбод этамиз. Бўлгусидаги жаммики эзгу ишларингизга яратганинг ўзи мададкор бўлсин. Оилангиз ва ёру биродарларингизнинг бахтига ҳамisha соғ-омон бўлинг. Укамиз **АБДУСАМАТ**, келиннгиз **МАҚСУДА.**

Азиз жияним **ФАҲРИЕРЖОН!** Биринчи баҳоринг қутлуг бўлсин! Аллоҳдан сенга узоқ умр, бахт-саодат тилайман. Униб-ўсиб меҳрибон онангнинг сунган тоғи, элимизнинг ўғлини бўлгин. Онанг, момонг ва ходаларинг номидан тоғанг **БАХТИЕР**. Олтинсой тумани, Обшир қишлоғи.

ЎНТА БЎЛСА

ЎРНИ БОШҚА...

Бу саволнинг яна кун тартибига қўйилиши — вақт тақозаси — дейди суҳбатдошимиз Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи, тиббий фанлари номзоди Хушнуд Қурбонов.

— Хушнуд оға, эсдан чиқаёзган мавзунини қайта «тирилтираёلمиз», биласизми, ушбу сўхбат босилиб чиққач, Сизга қарши омонсиз жанглар бошланади. Эсингиздами, қайта қуриш таомилга кирган пайтларда шу юзадан Масков ҳамда ўзимизнинг вақтли нашрларда бир қатор мақолалар ёрилган ва уларнинг ҳаммаси қақшатғич зарба олганди. Биз эса яна «эски яранни тирнаёلمиз»...

— Уша пайти бу борада айнан тиббиёт ходими бонг урганди. Аммо, уни мутлақо нотўғри тушунишди: тўғри «миллатни йўқотиш», «русларнинг ливхонини режасини амалиётга қўлаш» каби ҳатто сиёсий айблар тақашган. Аслида ҳамкасбим бошқа бир мақсадни қўллаганди. У миллатнинг фақат бугуни эмас, келажакни ҳам ўйлаган, биздан соғлом насллар қолиши, миллат жисмоний бақувват, илғи тоза бўлишини истаган.

Кўпбололик бу ижтимоий масала. Унга сиёсий тус бериш тамомлаша нотўғри йўлдор. Миллатнинг равангини унинг сони эмас, сифати белгилайди. Агарда миллат салмоғи тараққиётга алоқадор бўлганида, биласизми, бугунги кунда дунёдаги энг ривож топган ва кудратли давлат Хитой бўлиши керак эди. Аксинча, биз бундай тезкор тараққиётни улардан сони жиҳатдан деярли ўн марта кам бўлган Японияда курашимиз.

— Сиз айтмоқчи бўлган гаплар иқтисодийётга дахлдор. Демоқчисизки давлат аҳолиси қанча оз бўлса, яхши яшайди, иқтисоди яхшиланади...

— Фақатгина шуларни назарда тутатганим йўқ. Аммо, бу ҳам истаймизми-йўқми бор гап. Ота-она тоғанини ўн фарзандга едиргани, кийинтиргани бошқа-ю, уч-тўрт фарзандга едириб, кийинтиргани бошқа.

— Кеңирасиз-у, аммо ҳалида «ўнта бўлса ўрни, қирқта бўлса қилиғи бошқа» деган нақл бор. Биз мусулмон банда сифатида ҳар бир жонзот ёруғ

дунёга ўз ризқ-насибаси билан келишини ҳам инкор қилмаслигимиз керак.

— Ислоҳ динининг муқаддас китоби — Қуръони каримда, «Ота-онанинг фарзандлари бир-бирлари билан уч йилда юз кўришинлар» деган сўз бор экан. Бизда эса туғилиш шу қадар тартибсиз-тайинсиз аҳволга тушдики, бир йилда икки мартаба ҳомиладор бўладиган аёллар бор.

Бунинг соф тиббий томонини олайлик. Уч-тўрт марта туққан она деярли соғлиғини йўқотиб бўлади. Унда бир нечта касаллик мустаҳкам ўрнашиб олади. Ҳеч бўлмаганда — камқонлик. Ҳозир биласизми, ҳали турмушга чиқмаган қизларнинг аксаридида камқонлик кузатилмоқда. Бу касалликка мубтало бўлган она организмидан соғлом зурриёт дунёга келади, деб бўладими! Аксинча, нимжон, касалманд болалар туғилади. Бу ёқда она организми хаста. Кўплари ўттизга чиқмай ногирон бўлиб қоладилар. Биз аввал бошда масаланинг шу томонларини ҳам ўйлашимиз керак.

— Туғиш — аёлларнинг вазифаси, хасталикларни даволаш — ҳамкасбларингизнинг иши, бурчи.

— Тўғри. Лекин, иқтисодий бўҳрон бўғиздан олган кезде, доридармонлар етишмаслиги 35-40 фоизга етган пайтда табобатдан кўп нарса талаб қилиб бўлмайди. Энди фурсат — масаланинг ижтимоий томонига кўпроқ эътибор беришдир. Экологик аҳволини ҳам қўшиб қўйинг. Бу ҳол яқин ўн йилларда тузалиб кетишига умид йўқ.

— Хушнуд оға, мантиқсиз масала борасида тортишайтгандаймиз. Бу ёқда ҳукуратимиз болали аёлларга гамхўрлик кўрсатиб, нафақаларни ошираётган бўлса, кўп туғиш рағбатлантирилаётган бўлса, биз эса...

— Чет элларда биздагидек кўп болали оилаларга бериладиган имтиёз ва нафақалар йўқ, «қажрамон она» унвонлари ҳам. Биласизми, болаларнинг нафақаларига кун кеңираётган оилалар бор. Бундай оилада на эр ишлайди, на хотин. Болаларига берилётган давлат пули эвазига яшайдилар, ёки кўпол қилиб айтсак уларнинг ризқига шерик бўладилар.

Уч йил муқаддам Урганчдаги болалар уйида бор-йўғи 39 бола бор эди.

масаланинг моҳиятини чуқурроқ ўйлашимиз керак.

— Яъни...

— Яъни, оиласидаги фарзандлари тўрт-беш нафар бўлган оила бошлиқлари ўртасида чуқур тушунтириш ишлари олиб бориш, бу ҳаркатга дин пешволари, юртбошиқлари, кексаларни жалб қилиш зарур. Биз ҳам онанинг, ҳам фарзанднинг соғлом бўлиши, болаларнинг тўқ, усти бут ўсиши тарафдоримиз. Бу ҳақдаги фикрларимизни вилоят ҳокимига ҳам айтдик. Ҳошимиз тўла маъқулланди. Тез фур-



Ҳозирда эса 130 нафар. Яна навбат кутаётгани қанча. Болани ҳеч замонда давлат тарбия қилолмайди, боланинг тарбия ўчоғи — оила. Аммо, шу оила тартибли, режалаштирилган бўлсагина.

Яна бир гап, бизда ҳозир ерни хусусийлаштириш керак, деган овозлар эшитилмоқда. Уйлайманки, бизнинг давлатимиз бу масалани ҳал қила олмайдми. Сабаби — аҳоли зичлиги. Бу масалани Русия ҳал қилар, қўшнимиз туркманлар ҳал қилар, лекин биз... Собиқ Иттифоқ даврида бутун мамлакатда ҳар квадрат километр майдонга ўн тўрт киши тўғри келарди. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 40 нафар. Хоразмда эса — 200 нафар. Қани тақсимлаб кўринг-чи. Ишсизлик ҳам, янги оилаларни ўз вақтида уй-жой билан таъминлай олмаклик ҳам — шу кўрсаткичларнинг натижаси.

— Яқинда Хива шаҳри тўйи муносабатига тарих фани номзоди Абдулла Абдурашулов билан бир тарихий этнографик китоб тартиб қилдик. Ушанда архив ҳужжатларига кўзимиз тушди, унда шаҳардаги ҳар бир маҳалладаги хонадонлар ва улардаги оила аъзоларининг сони берилган экан. Уша пайти — асримиз бошларида шаҳарда йигирма минг нафарга яқин аҳоли яшагани ҳолда, бирорта оилада ўн беш-йигирма киши яшагани қайд қилинмаган. Кўпчилик хонадонларда ўртача беш-олти киши, айримларидагина саккиз-тўққиз жон бўлгани рақам қилинган...

— Уша пайтда табобат ҳозиргидек юқори даражага кўтарилмаган бўлса, касаллар нисбатан жуда кам эди. Нимага? Чунки, табиатнинг ўз қонунлари бор. Биз уни табобат тилида — табиий танланиш деймиш. Яъни, фақат яшаш учун қодир бўлган, кучли организм яшаб қолади. Нимжон, касалманд туғилган чақалоқлар эса нобуд бўлишади. Қарияларнинг, боболаримиз-у, момоларимизнинг тўқсон, юз ва ундан кўп умр кўрганлари сири ҳам шунда. Табиат ўзи яратиб, ўзи мўътадиллаштириб турган. Қачонки, табиат устидан ғалаба қилиш, уни ўз измига бўйсундириш учун кураш бошланган ана шу мувозанатга путур етди. Инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат шуки миллат майдалашди...

— Хўш, сиз, агарда тиббиёт номидан гапиряётган бўлсангиз, фан нимани тақлиф қилмоқчи!

— Гапни чўзиб, бежаб, айлантириш шарт эмас — оилани режалаштириш керак. Буни қандайдир тартибга солиш вақти етди. Энди беҳуда қизил сўзлар, «ғурур», «миллатга ҳужум» каби ибораларни бир четга қўйиб,

сатларда амалий ишга киришмоқчимиз.

— Бир вақтлар Ҳиндистон бош вазир Индира Гандининг вазифасидан кетишига ҳудди шундай ҳаракатни бошлагани оилани режалаштирмоқчи бўлгани сабаб бўлганди. Шундай хатти-ҳаракатлари учун аҳолиси миллилард сарҳадида яқинлашиб қолган халқ ўз раҳбарини кеңиради.

— Биласизми, БМТнинг Яқин шарқ ва Урта Осиё давлатларида аҳоли кўпайишини тартибга солиш борасида ҳаракати учун махсус мукофоти ҳам бор. Индира Ганди ҳудди шундай мукофотга лойиқ қўрилганди. У мард аёл жуда эзгу ишни бошлаган, аммо навбатдаги сайлов арафасида муҳолифатчиллар уни ағдартишда ҳудди шу ишга бошқача тўн кийғизиб, урғу бердилар. Халққа бошқача ташвиқ юритилди. Аммо, кейинча Ганди яна шу ўринга қайтиб келди-ку...

— Хўш, Сиз оилада нечта бола бўлишини норма деб биласиз!

— Тўрт нафар. Давлат имтиёзларини ҳам фақат тўрт нафар болагача бериши керак. Кейингилар бундан мустасно бўлсин. Хитойда ҳудди шундай қонун мавжуд. Биз бу билан фақат чекланган ҳудудимиз, табиий ресурсларимизни эътиборда тутатганимиз йўқ, гап миллатнинг келажаги ҳақида кетаяпти.

— Сизни тўғри тушунадилар деб ўйлайсизми!

— Тушунишлари керак. Аммо, ҳудди шу фикрларни кўп болали укамга ҳам ўткази олмадим.

— Кеңирасиз, нечта фарзандингиз бор!

— Тўрт нафар.

— Аёлингизнинг касби-кори...

— Ҳамкасбимиз. Аммо, соғлиғининг мазаси йўқ...

— Униб-ўсган оилада нечта фарзанд эдингизлар!

— Онам саккиз нафар фарзанд кўрганлар. Икки боласи яшамаган. Уртаҳол оила эдик, кийинчилик билан ўсдик. Катта фарзанд мен бўлганимдан етишмовчиликлар туфайли илмий фаолиятимни давом қилдиришмадим.

— Мени куйиниб айтатган фикрларингизга бир қадар ишонтирдингиз. Нимага шундай деяпман. Онам ўн икки фарзанд кўрганлар. Мени туққанларидан буён — мана ўттиз беш йилки хасталар... Маълум маънода бутун умри хасталикда ўтаётганлариди мен айбдордек ҳис қиламан ўзимни. Лекин, нима қилайлик, тақдир...

Икки қизим ва бир ўғлим бор. Аммо яна фарзандлар кўриш ниятим йўқмас...



Суратчи: Абдул Ғани ЖУМА

КРЕМЛ АЁЛЛАРИ

«Салом, азиз ойишон! Аҳволларингиз яхшими, тинч-омонлисиз? Мақтубингизни олдим. Шукр, бизни учт-мабсиз. Энди ўзимни яхши ҳис этганим, соғлигим ҳам жойида. Азар бирор нарсада муҳтожлик сезайтган бўлсангиз, дарров хабар қилинг. Нимаши бюрсангиз — бажарамиз. Сизни ўлиб қолгани ўғлинигиз Сосо.
29.09.33»

Гамхўрликка тўла бу мактуб муаллифи — И. В. Сталин, хат эса унинг онаси Екатерина Георгиевна Жугашвилига йўлланган. Сосо Тифлисга кўпда хат ёзмасди (давлат ишлари қалашиб ётибди), ёзганлари ҳам доим қисқа бўларди ўн уч йил мобайнида жами ўн битта мактуб. Онаси билан сўнгги бор 1935 йилда — унинг вафотидан икки йил олдин кўришганди. Сталин кутилмаганда келди, бир неча соат бўлиб, яна шоша-пиша жўнаб кетди. Фитнадан, суикасдан кўрқди. Лекин ўша охириги учрашувни муҳрлаган сураткаш бизга ажиб суратлар қолдирди. Меҳрга тўла она кўзлари. Дохийнинг жасма бўлмаган меҳрибонлик ила боқувчи нигоҳи... Бу суратни авваллари жанубий шаҳарлардаги этикдўзларнинг устахоналарида бот-бот кўриш мумкин эди. Сталиннинг отаси этикдўз эди, кавказлик усталар ҳам ореларидан шундай одам чиққанидан жуда мағрур эдилар.

Кеке (Ватанида Е. Жугашвилини шундай аташди)нинг жанозасига Иосиф келмади. Масковнинг ўзидаги жанозалар ҳам унга етиб ортарди. Шундай бўлса-да, гуржилар ҳамма нарсани ўрнига қўйишди. Кекени авлиё Довуд тоғида, Грибоедов, Чавчавадзе, Бараташвили, Серетелилар билан ёна-ён дафн

этишди. Бундай қўшнилик кўп гуржи зиёлиларнинг норозилигини уйғотди. Горийлик кир ювувчи аёлнинг ёшлик йилларидаги енгилтаклиги ҳақидаги ҳикоялар албатта Сталиннинг онасига обрў келтирмасди. Икки йилча бурун авлиё Довуд тоғидаги ёдгорлиқни портлатмоқчи бўлишди, бироқ раҳбарлар вайрон бўлган ёдгорлиқни қайта тикладилар.

Бу ёдгорлик ким учун? Оналарнинг энг яхшиси учунми? Халқлар отасининг онаси учунми? Мустабиднинг онаси учунми? Балки ўзи истагандек руҳоний бўлиб етишмаган Сососини суйган оддий она учундир?

Совет давлатидаги биринчи шахсининг онаси бўлмиш Мария Александровна Ульянова (қизликдаги шарифи — Бланк) ҳаётда кўп қайғу-алам кўрди. Эрининг ўлими, давлат жиноятчиси бўлмиш катта ўғлининг қатл этилиши, кичиги — Володя келтирган доимий ташвишлар... «Шарқий Сибирга сургун этилаётган ўғлим Володя Ульяновнинг соғлиги яхши бўлмаганлиги ва шу ҳолда ёлғиз ўзини юбора олмаслигим сабабли сургунда унга ҳамроҳ бўлишимга ижозат беришингизни сўрайман» — дея ёзади у политсиа маҳкамасига.

Кейинги раҳбарларнинг оналари — оддий аёллар, агар шундай дейиш мумкин бўлса. Улар ҳақида унча кўп нарса маълум ҳам эмас: бу аёллар Кремл деворининг ортида яшашарди.

Ксения Ивановна Хрушева ва отасини Никита Сергеевич Масковга, ўзининг олдига олиб келди. Фирқа мансаб пиллапоясида анча юқори лавозим — МК котиблигини эгаллаган Хрушев учун уй-жой масаласи муаммо эмас эди.

Ксения Ивановна қишлоқ одати бўйича уй олдида ўтириб олиб, у ёғ-бу ёғдан чақчақлашиб ўтиришни хуш кўрарди. Хрушев бундай ўтиришлардан норози эди, албатта, лекин бирор чора кўлидан келмасди. Қариндошларининг хотирлашларича, Хрушев ўша пайтларда ҳам, кейинчалик — фирқа ва давлат раҳбари бўлганда ҳам ўзининг катта оиласи ҳақида унча қайғурмаган. Фарзандлари билан бир жойда яшаса-да, қариялар ўз билганларича ҳаёт кечирарди. Ксения Ивановна Киевдаги Лукьяновск қабристонига дафн этилган. Никита Сергеевич онасини сўнгги йўлга кузатиш учун вақт топа билди, ортидан қўл қовуштириб юрмади (кейин урф бўлганидек) тобутни ҳам ўзи кўтарди.

Л. И. Брежнев «Хотиралар»ида онасига меҳр-муҳаббатга тўла сатрларни бағишлаганди. Бу асарга ишонадиган бўлсак, Наталия Денисовна Днепродзержинскда жуда оддий яшаган, янги квартирадан воз кечган, дўконларга борган.

«1966 йили онам Масковга, менинг олдимга кўчиб келди. У неварачевралари кўршовида, тинч-омонликда, атрофидагилар муҳаббатига сазовор бўлиб, халқ ва фирқа тўғрисида ўғлига кўрсатган ишончдан мамнун ҳолда яшади», — дея камгарона таъкидлайди тўғриқ ўғил ёки «Хотиралар»нинг асл муаллифлари. Брежнев ҳақиқатдан ҳам онаси билан келишган ҳолда яшарди. Уйдаги хоналардан бирида онаси учун жой ажратилган, оила турмушининг турли-туман муаммоларидан холи эди.

Мария Пантелеевна Горбачева ни угли Ставропол ўлка кўмитасининг котиби бўлганда ҳам, кейин — МКга ўтганда ҳам Приволе кўчалар

рида тез-тез кўришарди. Угли Бош котиб этиб сайлангандан сўнг одамлар орасида кўринмай қолди. Қишлоқдаги уйи олдига эса шлагбаум — йўл тўсғич ўрнатишди. Кўриқчилар пайдо бўлди. Пантелеевна Масковда ҳам яшаб кўрмоқчи бўлди, лекин кўниқиб кетолмади, қайтиб келди.

1990 йили Горбачев Гелмут Колни Ставрополга олиб борди. Меҳмонларни Приволеда ҳам кутишарди —

онаси, ҳамюртлари. Кўчаларни ювишган, пироғлар пиширилган. Лекин Миша қишлоққа кела олмади — давлат ишлари ҳалақит берди. Қишлоқ кўчасидаги йўл тўсғич эса шу-шу қолиб кетди. Миша энди Бош котиб ҳам, президент ҳам эмас, аммо барибир обрў-эътиборли, машхур одам. Ортиқча қизиқшадан онани «зебра» — Кремл деворининг ушалган парчаси кўриқлаб туради.

«КП»нинг 93 йил 6 март сонидан олинди



Суратчи: С. МАҲКАМОВ

Буюк кашфиётлар тарихидан

Бу янги рукнда дунёда энг нуфузли саналган Нобел мукофотида сазовор бўлган илмий ишлар соҳиблари ҳамда уларнинг машаққат ва секин-оқилари тўғрисида қисқача ҳикоя қилинади. Унда сиз Алберт Эйнштейн, Нилс Бор, Петр Капица, Лев Ландау, Жеймс Уотсон ва бошқа буюк олим-

лар билан учрашасиз. Зеро, етилиб келаётган ёш авлод қалбида билимга ташналик, чаққоқлик ҳислари яна сурқираб ривожланиб, фаннинг юксак чўққиларини эгаллаш иштиёқи, ҳаваси уйғонса...

«НОБЕЛ»НИНГ БИРИНЧИ СОҲИБИ

...63 ёшли Алфред оғир касал. У тез-тез нафас оларкан, кўз олдида ҳаёт йўли бирма-бир ўта бошлайди. — Худого минг қатла шукр, — ўйларди Алфред, — беш тилни мукамал билман. Машхур кимёгар ва муҳандисман. Мол-мулким ҳам бир неча ўн миллион кронни ташкил қилади. Хўш, мендан фонида нима қолади? Динамитни кашф қилганим учун Швеция Фанлар Академияси мукофотлаган Литерстед нишоними? Тутунсиз порохни кашф қилганимми? Ох, нақадар ози! Ҳали илмий режаларим ўзим билан бирга кетадими? Нақадар даҳшат! Йўқ! Шундай

тадбир қўллашим керакки, у мана шу режаларимни келгуси авлод рўёбга чиқаришига кўмак ва рағбат бўлсин. 1895 йил 27 ноябр. Алфред Нобел ўрнидан аранг кўзголиб, васиятнома ёзишга киришди. Уша кун у буюк изтиро қилди. 1896 йилнинг декабрида олимнинг юраги уришдан тўхтади. Васият қозони 1897 йилнинг январида очиб ўқилди. Унда барча бойликларини акция ва бошқа қимматбаҳо қозғоларга айлантириб, мана шу жамғарма келтирган фойдани тенг бешга бўлиб, физика, химия, физиология, медицина, адабиёт ҳамда тинчлик кураши

учун берилиши лозимлиги айтилган эди. Ҳозирги пайтда Нобел энг нуфузли мукофот ҳисобланади. Нобел мукофотида номзодлар танлаш ва уларнинг илмий ишларини диққат билан кўриб чиқиш учун Нобел кўмитаси тузилган. Номзодлар ҳақидаги таклифлар йилнинг бошидан 1 февралгача Стокгольмга, Нобел кўмитасига келиб тушади. Минглаб номзодлар орасидан 30-40 олим сараланади ва кўмита аъзолари шу олимлар орасидан энг зўр кашфиёт эгасини танлайдилар.

Таклифлар Швеция Фанлар Академияси Каролин институти аъзоларига тақдим этилади. Шуниси аҳамиятлики, Нобел кўмитаси мажлисларидаги баҳслар тўғрисида лом-ним дейилмайди, стенография юритилмайди, мажлисга журналистлар киритилмайди. Хуллас, мутлақо сир сақланади. Мукофотга сазовор бўлганлар номи Алфред Нобел туғилган кун — 21 октябрда эълон қилинади. Мукофотни топшириш маросими эса у вафот этган 10 декабр кун бўлади. Уша кун миллий байроқ кўтарилиб, Нобел кунни нишонланади. Нобел кўмитаси номидан, швед ва инглиз тилларида янги лауреатлар таништирилади. Қирол Жаноби Олийлари йиғилганлар олдида Олтин нишон ва диплом қозонини лауреатга топширади. Энг асосийси, мукофот соҳиби 300 мингдан 1 млн. 200 минг долларгача мўмай бойликка эга бўлади.



Қахрамонимиз билан ўзи ўқийдиган Шарқшунослик олийгоҳида учрашишга ваъдалашгандик. «Иккинчи «пара» га келинглар, жисмоний тарбия экан, дарсга кирмайман» деди у талабага хос қувлик билан. Ниҳоят айтилган вақт...

Маликани биринчи бор кўраётган муаллифлардан бирининг тили калимага келмай қолди. Савол-жавоб ҳам томдан тараша тушгандек худди шу саволдан бошланди.

— Баҳор, куз, қишда аксар шим кийиб юраман,— деди Гулҳаё жилмайиб.— Совуқда шим яхши эмасми? Е миллийлик шим кийиш-киймаслик билан ўлчанадими?

— Тўғри-ю, сал ғалати кўринарканда. Ҳай, келинг, бошқа мавзуга ўтайлик. Адашмасак, илгари дорилфунуннинг ўрс тили ва адабиёти қудлиётида ўқирдингиз-а!

— Утган йили ўқишни шу ерга қўчирдим. Афғон-эрон бўлимга.

— Сабаб!

— Форс тилини аввалдан яхши кўраман. Бухорода кўпчилик шу тилнинг маҳаллий шевасида гаплашади. Кейин, тўғриси, келажакни ҳам ўйладим. Урс тили бўйича мутахассислар кўп.

— Бу ердаги ўқини эмасми!
— Йўқ, унчалик эмас. Эски ёзувдан сал-пал кийналаялман.

— Гулҳаё, сиз малика бўлгандан сўнг «у қиз асли ўзбек эмас, бошқа миллатга мансуб экан» деган гаплар ҳам чиқувди.

— Бухоро — ҳақиқий байналмилал шаҳар. Ҳамма миллат вакиллари бор. Тоза ўзбек ё тожик ё эронийни топиш қийин. Онамнинг аждодлари асли араб бўлишган, дадам бўлса эронийларданлар. Лекин ҳаммамиз Ўзбекистон фарзандларимиз.

— Ота-онангиз қаерда ишлашади!

— Отам ҳайдовчи, онам журналист, туман газетасида ишлайди.

— Нега журналистлиқни танламагансиз!

— Худо асрасин! Онам шўрликнинг ишини кўриб, баъзан раҳим келиб кетади. Қачон қарама, ғала! Яқинда бир савдо ходимини ишдан

олишган экан, шу ҳақда ёзибдилар. Ҳаммаси асосланган, далиллар билан. Савдо ходими бўлса у кишини «менга

туҳмат қилди» деб судга берибди. Туман суди ишни онамнинг фойдасига ҳал қилади. Давъобор эса энди вилот судига чоғиб юрибди. Шуларни кўриб, журналистлик касбига ихлосим бўлмаган.

— Исмнингиз — ноёб исмлардан. Унинг бирор тарихи борми!

— Онам мен дунёга келишдан аввал қайси бир эрон ёзувчисининг рўмонини ўқиган эканлар. Рўмондаги бош қахрамоннинг исми Гулҳаё бўлади. Шу исми ёқтириб, менга қўйишган.

— Уқувчилик йилларингиз қандай ўтган!

— Оддий. Ҳамма болаларга ўхшаб шўх, ўйинқароқ бўлганман. Онамнинг тикувчиликка иштиёқлари баланд эди. Беш яшарлигимдан менга ҳам ўргатишни бошлаганлар. Саккизинчи синфда ўқиётганимда тикувчилик курсларига қатнашганман.

Гулҳаё Исмоилова:

АМЕРИКАГА КЕТИШ НИЯТИМ ЙЎҚ

— Бу қизиқингиз кейинчалик бирор фойда бердими!

— Жуда катта фойда берди. Ўзбекистондаги танловда ҳам, Олмаотада бўлиб ўтган «Буюк ипак йўли» халқаро танловда ҳам онам иккимиз тиккан миллий либосларда чиққанман.

— Энди 1989 йилга, сизни катта-ю, кичикка машҳур қилган танловга қайтас. Унга қандай қатнашиб қолдингиз!

— Бу танловлар аввал вилотларда ўтказилган. Гўзаллик танлови бўлиши ҳақида эълонни ўқиб, ўзимни сынаб кўриш истаги туғилганди. Танловда қатнашдим, лекин Бухоро Маликаси бўлиш nasib этмади. Унда биринчи-иккинчи ўринни олганлар Тошкентга бориш ҳуқуқини қўлга киритишган эди. Бироқ уларнинг орасида ўзбек қизлари бўлмагани учунми, мени ҳам «делегатсияга» қўшиб қўйишди. Шу билан...

— Сиз танловда қатнашингиз ва Ўзбекистон маликаси бўлиб тож кийдингиз. Шундайми! Гулҳаё хафа бўлманг-у, шу танловдан сўнг сиз ҳақингизда ҳар-хил ваҳимали мишишлар кўпайиб кетди. Гўё сизни ўғирлаб кетишган, маликалик тожи ва видеомагнитофонни беришни талаб қилишган...

— Буларнинг ҳаммаси одамлар оғзидagi гап, холос. Фолиб чиққангидан сўнг менга видеомагнитофон ёки бошқа бир қимматбаҳо совғалар берилган йўқ. Кимдир Гулҳаё видеомагнитофонни болалар уйига совға қилди деган гапни матбуотда айтибди.

Видеомагнитофон қайси болалар уйида хизмат қилаётгани менга қоронғу. Тож ҳақида ҳам худди шундай десам бўлади унинг тиллодан, кўзлари эса қимматбаҳо тошлардан ясалгани ҳақидаги гап-сўзлар, юмшоқроқ қилиб айтганда, анча ошириб айтилган.

— Узингиз бу пайт нималар билан машғул эдингиз!

— Мукофотга Ҳиндистон бўйлаб саяхатга йўлланма беришган эди. Ажойиб мамлакат! Бир олам таассурот билан қайтдим. Кейин ТошДУга кириш имтиҳонларига тайёрлана бошладим ва ўша йили дорилфунун талабалари сафига қабул қилиндим.

— «Буюк ипак йўли»да голиб чиққангиз ҳақида эшитгандик. Лекин у қандай танлов эди, кимлар қатнашди — бу ҳақда тўлиқроқ маълумот ололмадик.

— Танлов Олмаота шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Италия, Франция, Германия каби турли давлатлардан келган қизлар қатнашган. Танлов шартлари анча қийин эди — инглиз тилидаги

тўғримикин? Танловда ўзбек аёли шаънига тўғри келмайдиган ҳеч бир шарт йўқ эди. Қатнашчилар билимлари, орасалиқлари, ҳозиржавоблиқларини намойиш этдилар, холос. Худди «Иқбол»дагидек.

Менинг билишимча, газет-журналларга ҳам фақат танловга салбий муносабат билдирилган мактублар келмаган, аксинча, кўпчилик танлов маъқул бўлгани, уни кейинчалик ҳам давом эттириб боришни сўраб ёзишган.

— Сизни ўзини катта оладиган, манмансироган қиз деб эшитгандик, аммо унақага ўхшамайсиз. Агар сизга Гулҳаёни яъни ўзингизни таърифлашга тўғри келса нима деган бўлардингиз!

— Кайфиятим тез-тез ўзгариб туради. Одамлар билан тез тил топишман, дугоналарим жуда кўп, лекин сирдошим йўқ. Кўнглимдаги гапларни

айтсам, мени тушунмай қолишларидан қўрқаман. Елғизликни, ўй сўраб, орзуга берилишни яхши кўраман.

— Севилганмисиз!

— Севилган бўлсам керак, лекин

саволларга жавоб бериш, миллий урф-одатлардан бохабар бўлиш, кийиб чиққан либосларига таъриф бериш ва ҳоказо. Омадим чоғиб бу танловда ҳам малика этиб сайландим.

Уша пайтдаги ҳолатимни ҳали-ҳануз ҳаяжон билан эслайман. Бизни (онам иккимизни) хорижий меҳмонлар ўраб олишди, бири олиб, бири қўйиб эгнимдаги бухороча либосларни сотишни илтимос қилишади. Уларга бу кийимларни сотолмаслигимизни зўрга тушунтирдик. Бир италийли жаноб кийимларни онам тикканлигини эшитиб, ўз юртига ишга таклиф қилди.

— Маликага тегишли совғалар ҳам бир дунё бўлган бўлса керак!

— Телевизор, япон магнитофони, анча-мунча кийим-бош совға қилишди. Асосийситож қалбаки эмасди.

— Гўзаллик танловларини ўтказишнинг жўяли ёки жўясизлиги ҳақида бундан уч-тўрт йил аввал матбуотда роса баҳс қизганди. Кўпчилик ўзбек аёлига бундай нарсалар керак эмас, бу хоржидан келган удум деган фикрни билдирди. Мана, биринчи ва сўнгги танлов ўтказилганига ҳам тўрт йилдан ошяпти. Ҳеч бир нарса ўзгармади, осмон узилдиб ерга тушмади-ку!

— Гўзаллар танлови эмас, масалан, хонандаларнинг ёки аскиячиларнинг танловлари ўтказилмаса ҳам ҳеч нарса ўзгармайди, сиз айтгандай, осмон узилдиб ерга тушмайди, лекин ҳамма нарсани шундай қарич билан ўлчаш

ҳали севолганимча йўқ. Тўғриси, севгага унча ишонмайман.

— Қизиқинларингиз қандай! Китоб ўқини ёқтирасизми ёки мусиқа ихлосмандимсиз! Балки иккисига ҳам қизиқмасиз!

— Китоб ўқишга ростдан ҳам унча қизиқмайман. Бироқ, бу умуман китоб ўқимайман деганим эмас. Александр Дюма деган фаранг ёзувчиси бор. Шунинг асарларини ёқтираман. Яна «Олдузли тунлар», «Ғули сибҳ» каби рўмонлар ҳам менга анча маъқул келди.

Мусиқани, айниқса Эрон эстрадасани яхши кўраман. Гугуш, Шаҳрам, Лайло Фуор...

— Газетимизнинг «Америкага кўчиб кетганлигингиз» ҳақидаги биринчи апрел ҳазилидан хафа бўлмадингизми!

— Нега энди, аксинча, хурсанд бўлдим. Ҳар-хил бўлмағур миш-мишлардан кўра шундай ҳазил гаплар кўнглимга кўтаради. Кўпчилик ҳазил-лингизга ишонишбди. Ҳатто уйдан ҳам кўнғироқ қилишди.

— Мабодо чиндан ҳам Америкага бориш имконияти туғилиб қолгудай бўлса, нима қилган бўлардингиз!

— Бирров бориб, айланаб келардим. Худди Ҳиндистонга боргандай. Қолиш ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади — Бухорони ташлаб, ҳеч қаёққа кетолмасам керак...

Ботирбек ОРИПОВ ва Азиз сўхбатлашди

Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОЙ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадахон ЕҚУБОВ, Фарҳод РУЗИЕВ, Муҳаббат ИБОДОВА, Юсуф ЗИЕД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ, Қувондиқ БЕРДИЕВ, Рўзимат САФОВ, Абсалом УСАНОВ, Урол УЗБЕК, Асқар АЛЛАБЕРДИЕВ, Абдумуталиб РИЗОКУЛОВ, Мейли ИҶЛДОШЕВ.

Газетамиз ҳомийлари — Тошкентдаги СЭВИЖ тижорат жамияти, Галлаорол туманидаги «Галлаорол», Сирдарё «Оқ олтин» дон маҳсулотлари корхонаси. Таҳририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситалик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Оила ва жамият»дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029, Намойишлар тиббони, 1-бино. Телелефон: 39-43-95.

Ҳалим САЙИД навбатчилик қилди

Обуна индекси 64654. Рўйхатга олиш № 000080. Бюропта № Г-141. 46.898 нускада чоп этилди. Офсет усулида босилди, формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.